

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ
АКАДЕМИЯСИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.31/30.12.2019.I.Yu.25.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ
АКАДЕМИЯСИ**

ЮГАЙ ЛЮДМИЛА ЮРЬЕВНА

**АВТОМАТЛАШТИРИЛГАН ДАКТИЛОСКОПИК
ИДЕНТИФИКАЦИОН ТИЗИМЛАРДАН ЖИНОЯТЛАРНИ ОЧИШ ВА
ТЕРГОВ ҚИЛИШДА ФОЙДАЛАНИШ ЧОРАЛАРИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**12.00.09 – Жиноят процесси. Криминалистика,
тезкор-қидирув ҳуқуқи ва суд экспертизаси**

**Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Content of the abstract of the dissertation of the doctor of philosophy (PhD)

Югай Людмила Юрьевна

Автоматлаштирилган дактилоскопик идентификацион тизимлардан
жиноятларни очиш ва тергов қилишда фойдаланиш чораларини
такомиллаштириш..... 3

Югай Людмила Юрьевна

Совершенствование мер по использованию автоматизированных
дактилоскопических идентификационных систем в раскрытии и
расследовании преступлений..... 25

Yugai Lyudmila Yuryevna

Improvement of measures for the use of automated fingerprint
identification systems in the disclosure and investigation of crimes..... 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 51

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ
АКАДЕМИЯСИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.31/30.12.2019.I.Yu.25.02 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ
АКАДЕМИЯСИ**

ЮГАЙ ЛЮДМИЛА ЮРЬЕВНА

**АВТОМАТЛАШТИРИЛГАН ДАКТИЛОСКОПИК
ИДЕНТИФИКАЦИОН ТИЗИМЛАРДАН ЖИНОЯТЛАРНИ ОЧИШ ВА
ТЕРГОВ ҚИЛИШДА ФОЙДАЛАНИШ ЧОРАЛАРИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**12.00.09 – Жиноят процесси. Криминалистика,
тезкор-қидирув ҳуқуқи ва суд экспертизаси**

**Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.4.PhD/Yu178 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (<http://akadmvd.uz/uz/nauka/deyatelnost-nauchnogo-soveta>) ва «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Пулатов Бахтиёр Халилович юридик фанлар доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Хамдамов Абдували Ахмедович юридик фанлар доктори, профессор Астанов Истам Рустамович юридик фанлар доктори, доцент
Етакчи ташкилот:	Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.31/30.12.2019.I.Yu.25.02 рақамли илмий кенгашнинг 2020 йил 7 февраль куни соат 15:00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100197, Тошкент ш., Интизор кўчаси, 68. Тел./факс: (+99871) 265-22-52; e-mail: info@akad.mvd.uz).

Диссертация билан Ички ишлар вазирлиги Академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (110-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100197, Тошкент ш., Интизор кўчаси, 68. Тел.: (+99871) 265-22-52).

Диссертация автореферати 2020 йил 23 январь куни тарқатилди.

(2020 йил 23 январьдаги 18-рақамли реестр баённомаси).

А.С. Турсунов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, юридик фанлар доктори, профессор

Дж.Х. Юлдашев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)

Р. Кабулов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, юридик фанлар доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда жиноятчиликка қарши курашиш, жиноятларни тез ва тўлиқ очиш, жиноят содир этган ҳар бир шахсни фош этиш, фуқароларнинг хавфсизлиги ва ҳуқуқларини жиноий тажовузлардан ҳимоя қилишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг фаолиятига юқори биометрик технологияли илмий-техник восита ва усулларни кенг жорий этган ҳолда жиноят ишлари бўйича ишончли ва илмий асосланган далилий база яратиш масаласи объектив заруратга айланди. Мавжуд барча биометрик технологияларнинг 58 %ини дактилоскопик тизимлар, 42 %ини эса унинг қолган турлари, жумладан дастхат, юз тузилиши ва белгилари, қўл веналарининг шакли, овоз, кўз рангдор ва тўр пардалари ташкил этади¹.

Жаҳоннинг ривожланган мамлакатларида замонавий биометрик тизимлардан фойдаланиш бўйича жадал илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Мазкур тадқиқотларда жиноятчиликка қарши курашда рақамли дактилоскопияни кенг жорий этиш, миграция жараёнларини назорат қилишда инсон тери қопламасининг поро- ва эджеоскопик текширувидан фойдаланиш, дактилоскопик идентификацион тизимларни мобиль қурилмалар ёрдамида қўллаш, шахсий маълумотлар хавфсизлигининг кафолатланишини таъминлаб, дактилоскопик қайд этишни тизимли ва дифференциал ёндашган ҳолда амалга оширишга инновацион ёндашувларни жорий этиш алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Республикада суд-ҳуқуқ тизимида жиноятларни очиш ва тергов қилишга илғор замонавий технологияларни самарали жорий этиш билан боғлиқ кенг қўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Хусусан, мамлакатимизда ушбу соҳада суд-экспертлик фаолиятини жадал ривожлантириш, суд-экспертиза муассасаларида автоматлаштирилган ахборот-қидирув тизимлари ва компьютер дастурлари, электрон маълумотлар базаларини кенг жорий этиш асосий вазифалардан бири сифатида белгиланган². Ҳуқуқни қўллаш амалиётининг таҳлили ички ишлар органлари эксперт-криминалистик бўлинмалари томонидан ўтказилган барча тадқиқотлар ичида дактилоскопик тадқиқотлар улуши 2013 йилда – 72,1 %, 2014 йилда – 67,9 %, 2015 йилда – 57,7 %, 2016 йилда – 64,5 %, 2017 йилда – 93,8% ва 2018 йилда – 91,2 % ни ташкил этишини кўрсатади. Шундан ҳам кўриниб турибдики, жиноятларни очиш ва тергов қилишда автоматлаштирилган дактилоскопик идентификацион тизимлардан фойдаланишнинг илмий-назарий ва ҳуқуқий механизмларини яратиш орқали келгусида республикада улардан жиноятчиликка қарши курашиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашда янада самарали фойдаланишга эришиш ҳозирги куннинг долзарб масалаларидан бири бўлиб қолмоқда.

¹<https://habr.com/ru/post/126144>.

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 январдаги «Суд-экспертлик фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4125-сон қарори // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 19.01.2019 й., 07/19/4125/2510-сон.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон, 2017 йил 21 октябрдаги «Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-4850-сон, 2017 йил 10 апрелдаги «Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5005-сон фармонлари, 2018 йил 14 майдаги «Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3723-сон, 2019 йил 17 январдаги «Суд-экспертлик фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4125-сон қарорлари ва соҳага оид бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот иши республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мамлакатимизда криминалистик, хусусан дактилоскопик аҳамиятга эга ахборотдан фойдаланиш ва уни қайд этишнинг криминалистик ва жиноят-процессуал жиҳатлари Ғ.А. Абдумажидов, Л.П. Баканова, И.Р. Астанов, М.А. Ражабова, З. Иногомжанова, У.А. Тухташева, Т.Б. Маматқулов, Х.А. Тураббаев, А.А. Матчанов, Б.А. Ражабов каби олимлар томонидан кўриб чиқилган¹. Ахборот технологиялари ва хавфсизлиги соҳасидаги ижтимоий муносабатларни муҳофаза қилишнинг жиноят-ҳуқуқий жиҳатлари Р. Кабулов, А.К. Расулев, Э.С. Абдурахмонов томонидан ёритилган. Дастлабки тадқиқотлар ўтказилишининг тезкор-қидирув жиҳатлари эса А.А. Хамдамов, Т.Р. Саитбаев, С.Н. Гордеев томонидан ўрганилган.

Хорижлик олимлар орасида криминалистик қайд этишнинг назарий ва амалий муаммоларини Р.С. Белкин, М.М. Эндреев, М.А. Калужина, Р.Е. Демина, И.Ю. Стариков, П.Н. Заблоцкий, Ф.Г. Аминев ва бошқалар ўз тадқиқотларида кўриб чиққанлар.

Дактилоскопик технологияларни такомиллаштириш масалалари Р.В. Бондаренко, А.С. Копанев, Л.Г. Эджубов, С.С. Самишенко, А.С. Самишенко, В.С. Зубахи, Ю.В. Федорович, О.К. Исаева, А.С. Яковлева (Россия), Т. Бимбаа (Монголия), В.К. Кирвель, А.П. Пацкевич, С.Н. Стороженко (Беларусь), Реймонд Т. Мур, Налини Канта Ратха, Руд Болл, Генри С. Ли, Роверд Е. Генсслен, Кристоф Чампод, Крисс Д. Леннард,

¹ Бу ва бошқа манбалар диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.

Женифер Л. Мнукин, Уильям Волц, Дуглас Д. Вудли (АҚШ), Айтил Е. Дроп (Буюк Британия) томонидан ўрганилган.

Тадқиқотнинг ушбу йўналишлари, шубҳасиз, назарий ва амалий аҳамиятга эга. Бироқ шуни таъкидлаш лозимки, юқорида келтирилган олимлар томонидан олиб борилган тадқиқотларнинг аксариятида криминалистик ҳисоблардан фойдаланишнинг маълум бир жиҳатларигина кўриб чиқилган, бироқ жиноятларни очиш ва тергов қилишда автоматлаштирилган дактилоскопик идентификацион тизимларни қўллаш муаммолари алоҳида махсус тадқиқот доирасида тақиқ этилмаган.

Мамлакатимизда автоматлаштирилган дактилоскопик идентификацион тизимлар (бундан буён матнда – АДИТ)дан фойдаланишнинг назарий ва амалий жиҳатларига бағишланган алоҳида комплекс тадқиқот ўтказилмаган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация мавзуси Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академиясининг 2018–2021 йилларга доир илмий-тадқиқот ишларининг «Криминалистик экспертизаларни ўтказиш ва расмийлаштиришни такомиллаштириш» илмий тадқиқоти доирасида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг мақсади автоматлаштирилган дактилоскопик идентификацион тизимлардан жиноятларни очиш ва тергов қилишда фойдаланиш чораларини такомиллаштиришга қаратилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

криминалистик ҳисобга олиш тизимининг муҳим элементи сифатида дактилоскопия, дактилоскопик қайд этишнинг генезисини ўрганиш;

дактилоскопик технологиялардан фойдаланиш, шунингдек шахсий маълумотларни ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий тартибини белгиловчи қонун ҳужжатларини қиёсий-ҳуқуқий таҳлил қилиш;

автоматлаштирилган дактилоскопик идентификацион тизимлардан фойдаланишга доир муаммолар мажмуини аниқлаш ва таҳлил қилиш;

қўл бармоқлари излари бўйича шахсни идентификация қилишнинг автоматлаштирилган технологияларидан фойдаланиш борасидаги хорижий тажрибани ўрганиш ҳамда миллий тизимга жорий этиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;

шахсни идентификация қилишнинг автоматлаштирилган тизимларидан фойдаланишнинг ҳуқуқий, илмий-назарий ва ташкилий-техникавий жиҳатларини такомиллаштиришга қаратилган илмий асосланган таклифлар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти ички ишлар органларида автоматлаштирилган дактилоскопик идентификацион тизимларидан жиноятларни очиш ва тергов қилишда фойдаланиш ҳамда бу борадаги чора-тадбирларни такомиллаштириш билан боғлиқ ижтимоий-ҳуқуқий муносабатлар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети автоматлаштирилган дактилоскопик идентификацион тизимлардан жиноятларни очиш ва тергов қилишда фойдаланишни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, уларни

қўллаш амалиёти ҳамда юридик фандаги концептуал ёндашувлар ва илмий-назарий қарашлар ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Қўйилган вазифаларни бажариш жараёнида илмий билишнинг индукция, дедукция, кузатиш, умумлаштириш, таҳлил қилиш, формал-мантиқий, тарихий, тизимли-тузилмавий, аниқ социологик усуллари, шунингдек илмий манбаларни ўрганиш, статистик маълумотларни таҳлил қилиш ва бошқа усулларида фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагиларда ифодаланади:

дактилоскопик қайд этиш инсон шахсини аниқлаш ёки тасдиқлаш, таниб олинмаган мурдаларни идентификация қилиш, яширинган жиноятчиларни қидириб топиш мақсадида дактилоскопик ахборотни тўплаш, тизимлаштириш ва қайта ишлаш бўйича ваколатли давлат органлари томонидан амалга ошириладиган тартиб-таомиллар эканлиги илмий асослаб берилган ҳамда мазкур тушунчани қонун билан мустаҳкамлаш зарурлиги асослантирилган;

Ўзбекистон Республикасига қўшни давлатларнинг чегара ҳудудларида содир этилиб, очилмаган оғир ва ўта оғир жиноятлар жойларидан олинган алоҳида қўл излари массивларини айирбошлаш, текширувлар ўтказиш амалиётини жорий этиш зарурати илмий асосланган ҳамда унинг тартиб-таомиллари, механизмлари ва муддатлари ишлаб чиқилган;

суд экспертиза муассасалари ва эксперт-криминалистика бўлинмалари томонидан ўтказиладиган бир хилдаги суд экспертизаларини алоқадорлик, тўлиқлик, ҳар томонламалик, асослантирилганлик, кетма-кетлик, мантиқийлик мезонларига кўра ўтказиш бўйича ягона идоралараро услубиётни ишлаб чиқиш зарурати илмий асослантирилган;

дактилоскопик, габитоскопик, генотипик ва фоноскопик турдаги ҳисобларни криминалистик ҳисоблар ягона ахборот платформасига бирлаштириш ҳамда уларни ички ишлар органларида қўллашнинг ҳуқуқий механизмларини жорий этиш зарурлиги илмий асослантирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари. Жиноят-процессуал қонун нормаларини такомиллаштириш юзасидан билдирилган таклиф ва тавсиялар автоматлаштирилган дактилоскопик идентификацион тизимлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, шунингдек жиноятларни тез ва тўлиқ очиш, қидирувдаги жиноятчиларни ушлаш, жиноят содир этган ҳар бир шахснинг айбини фош этиш орқали одил судловни амалга оширишга хизмат қилади.

Диссертация натижаси сифатида ишлаб чиқилган Ўзбекистон Республикасининг «Давлат дактилоскопик қайд этиш тўғрисида»ги қонуни лойиҳасининг қабул қилиниши дактилоскопик қайд этиш принциплари, турлари, субъектлари ва тартибини белгилаш, шунингдек суд-тергов амалиёти ва исбот қилиш институтини такомиллаштирилишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Илмий изланиш натижалари қонун ҳужжатлари, илғор хорижий тажрибалар, ҳуқуқни қўллаш амалиёти, расмий манбалардан олинган назарий қарашлар ва методологик ёндашувлар, социологик сўров ҳамда эмпирик материалларга асосланган

бўлиб, тегишли ҳужжатлар билан расмийлаштирилган. Хулоса, таклиф ҳамда тавсиялар апробациядан ўтказилиб, натижалари етакчи миллий ва хорижий нашрларда эълон қилинган. Олинган натижалар ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланган ва амалиётга жорий қилинган. Тадқиқотда Ўзбекистон Республикаси ИИВ Тезкор маълумотлар бошқармаси ва Эксперт-криминалистик бош марказининг 2013–2018 йилларга оид расмий статистик маълумотлари, 250 дан ортиқ экспертлар ўртасида ўтказилган сўров натижалари, 200 дан зиёд дактилоскопик экспертизаларнинг хулосалари, АДИТ маълумотлари базалари бўйича 150 дан ортиқ тезкор текширув маълумотномаларининг таҳлиллари умумлаштирилган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти диссертацияда ифодаланган илмий-назарий хулосалар, амалий таклиф ва тавсиялардан келгуси илмий фаолиятда, амалдаги қонун ҳужжатларини такомиллаштиришда, жиноят-процессуал қонунчилигининг тегишли нормаларини шарҳлашда, шунингдек жиноят-процессуал ҳуқуқи, дастлабки тергов, тезкор-қидирув ҳуқуқи, криминалистика ва суд экспертизаси фанларини илмий-назарий жиҳатдан янада бойитишда, илмий тадқиқотлар олиб боришда фойдаланиш мумкинлигида намоён бўлади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан жиноятларни очиш ва тергов қилиш, қидирувдаги жиноятчиларни ушлаш ҳамда жавобгарлик муқаррарлигини таъминлаш фаолиятида автоматлаштирилган дактилоскопик идентификацион тизимлардан фойдаланиш самарадорлигини янада оширишга, бу борадаги ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштиришга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Автоматлаштирилган дактилоскопик идентификацион тизимлардан жиноятларни очиш ва тергов қилишда фойдаланиш чораларини такомиллаштириш бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари асосида:

дактилоскопик қайд этиш - инсон шахсини аниқлаш ёки тасдиқлаш, таниб олинмаган мурдаларни идентификация қилиш, яширинган жиноятчиларни қидириб топишда дактилоскопик ахборотни тўплаш, тизимлаштириш ва қайта ишлаш, уни ҳуқуқий мустаҳкамлашга доир таклифлардан Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 16 сентябрдаги «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги қонунининг 17-моддасини шакллантиришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Мудофаа ва хавфсизлик масалалари бўйича қўмитасининг 2019 йил 25 июндаги 06/2-06/2243-сон маълумотномаси). Ушбу таклифларнинг жорий этилиши қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётида дактилоскопик ахборотни тўплаш ва тизимлаштиришда шахс ва фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ мавжуд ҳуқуқий бўшлиқлар ва турли қарама-қаршилиқларни бартараф этишга хизмат қилган;

Ўзбекистон Республикасига қўшни давлатларнинг чегара ҳудудларида содир этилиб, очилмаган оғир ва ўта оғир жиноятлар жойларидан олинган алоҳида қўл излари массивларини айирбошлаш ва текширувлар ўтказиш

амалиётини жорий этишга доир тавсиялардан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 апрелдаги «Ички ишлар органларининг жиноятларни тергов қилиш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2898-сон қарори бандларини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2019 йил 15 октябрдаги 21/1570-сон маълумотномаси). Ушбу таклифларнинг жорий этилиши республикамиз ва қўшни давлатларнинг чегара ҳудудларида содир этилган оғир ва ўта оғир жиноятларни очиш самарадорлигини ошириш, бу борадаги ҳамкорликни тизимли йўлга қўйиш ва ҳуқуқий мустаҳкамлашга хизмат қилган;

суд экспертиза муассасалари ва эксперт-криминалистика бўлинмалари томонидан ўтказиладиган бир хилдаги суд экспертизаларини белгилаш, уларни ўтказиш бўйича ягона идоралараро услубиётни ишлаб чиқиш ҳамда фаолиятга автоматлаштирилган ахборот-қидирув тизимлари ва дастурларини жорий этишга доир таклифлардан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 январдаги «Суд-экспертлик фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4125-сон қарори билан тасдиқланган 2019–2020 йилларда суд-экспертлик фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича Йўл харитасини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2019 йил 2 октябрдаги 21/1480-сон маълумотномаси). Ушбу таклифларнинг жорий этилиши эксперт-криминалистика бўлинмалари томонидан суд экспертизаларни тизимли ва сифатли ўтказиш, суд-экспертиза муассасаларида замонавий автоматлаштирилган тизимлар, дастурлар ва маълумотлар базалари имкониятларидан фойдаланган ҳолда иш самарадорлигини оширишга хизмат қилган;

дактилоскопик, габитоскопик, генотипик ва фоноскопик турдаги ҳисобларни криминалистик ҳисоблар ягона ахборот платформасига бирлаштириш ҳамда уларни ички ишлар органларида қўллашнинг ҳуқуқий механизмларини яратишга доир таклифлардан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 апрелдаги «Ички ишлар органларининг жиноятларни тергов қилиш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2898-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Эксперт-криминалистика бош маркази тўғрисидаги низомни тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2019 йил 15 октябрдаги 21/1569-сон маълумотномаси). Ушбу таклифлар автоматлаштирилган ҳисобларнинг бир қанча турларини барча биометрик базалар бўйича параллел тарзда излаш жараёнини тезлаштириб, соддалаштирадиган, шунингдек криминалистик жиҳатдан муҳим ахборотни таҳлил қилиш, узатиш ва ишлаш жараёнини мақбуллаштирадиган интеграллашган мульти-биометрик маълумотлар базасига бирлаштириш орқали жамоат тартибини сақлаш ва дастлабки тергов самадорлигини оширишга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертация натижалари 7 та илмий-амалий семинар ва конференцияда, жумладан, 2 та халқаро ва 5 та

республика миқёсидаги илмий-амалий конференцияда муҳокама қилиниб, маъқулланган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуи бўйича жами 23 та илмий иш, жумладан 4 та илмий-амалий қўлланма, 10 та илмий мақола (улардан 2 таси – хорижда) ҳамда турли илмий ишлар тўпламларида 9 та тезис (улардан 4 таси – хорижда) чоп этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловадан иборат бўлиб, ҳажми 147 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мувофиқлиги асослантирилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертациянинг олий таълим муассасаси илмий тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқлиги, диссертациянинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган. Шунингдек, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти, жорий қилиниши, апробацияси ҳамда эълон қилиниши, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми ҳақидаги маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Жиноятларни очиш ва тергов қилишда автоматлаштирилган дактилоскопик идентификацион тизимлардан фойдаланишнинг ривожланиш тарихи ва назарий асослари»** номли биринчи боби иккита параграфдан иборат. Ушбу бобда криминалистик қайд этиш тизимида қўл бармоқлари папилляр нақшларини акс эттириш билан боғлиқ илк илмий тадқиқотларнинг (қадимги даврлардан бошлаб) пайдо бўлиш жараёни, дактилоскопик қайд этишнинг турлари, автоматлаштирилган дактилоскопик ҳисобларнинг ривожланиш босқичлари, автоматлаштирилган дактилоскопик идентификацион тизимларнинг тушунчаси, моҳияти ва таснифи тадқиқ этилган.

Муаллифнинг таъкидлашича, қадим замонларда халқалаш ва тамғалаш жиноятчиларни (сургун қилинганлар, фирибгар, ўғри, қотил ва бошқа шахсларни) белгилаш (идентификациялаш) ва қайд этиш функциясини бажарган. XX аср бошидан эътиборан жиноятчиларни қайд этишнинг ушбу турлари маҳкум шахслар ҳақидаги алифболи маълумотномаларни жорий этиш, «жиноятчилар паради», кейинчалик эса – «бертильонаж» билан алмаштирилди.

Диссертант XX аср бошида дактилоскопия ва дактилоскопик қайд этиш даврининг шаклланиш жараёнини ёритган. Дактилоскопия расмий даражада 1902 йилда – Венгрия, Австрия ва Мисрда, 1903 йилда – Германия, Дания, Бразилия, Чили ва Француз Ҳинди-хитойида; 1906 йилда – Россия, Норвегия, Швеция ва Боливияда; 1907 йилда – Голландияда; 1908 йилда – Перу, Парагвай, Уругвай ва бошқа мамлакатларда қабул қилинган.

Диссертацияда муаллиф Ўзбекистон худудида дактилоскопик қайд этиш шаклланишини 1922 йилда жиноятчиларни қайд этишнинг декадактилоскопик қайд этишга асосланган ягона марказлашган дактилоскопик тизими яратилганидан бошлаб тарихий таҳлил қилган.

Диссертацияда автоматлаштирилган дактилоскопик идентификацион тизимларнинг ҳозирги ҳолати таҳлил қилинган. XX аср тарихда илмий-техникавий тараққиёт, кибернетика, инновацион технологиялар ва математик ёндашувларнинг ривожланиши билан боғлиқ глобал кашфиётлар даври сифатида қолди. Тарихнинг ушбу босқичида телекоммуникация ва ахборот технологиялари соҳаси олдинга улкан қадам ташлади. Ахборот жараёнларининг глобаллашуви бутун инсоният ижтимоий ҳаётининг барча соҳаларида, жумладан ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятида улкан ривожланиш имкониятларини очди.

Диссертант турли олимларнинг фикрларини таҳлил қилиш асносида автоматлаштирилган дактилоскопик идентификацион тизимлар ривожланишининг муаллифлик даврлаштирилишини тақлиф этган:

биринчи босқич – илк дактилоскопик формулани тизимларни яратиш босқичи бўлиб, у XX асрнинг 50–70-йилларини қамраб олади ҳамда фақат семантик ва микдорий белгилардан фойдаланилгани, папилляр нақшлар интеграл тузилмасини таснифлашнинг қўлда бажариладиган усуллари қўлланилгани билан ажралиб туради;

иккинчи босқич – илк илмий тадқиқотлар ўтказилган ва АДТИТ ишлаб чиқилган давр бўлиб, ўтган асрнинг тахминан 70-йилларидан 90-йилларигача давом этган, бу даврда хорижда илмий тадқиқотлар кўпайиб борган;

учинчи босқич – жадал ривожланиш ва саноат АДТИТлари яратиш босқичи бўлиб, XX асрнинг 90-йилларидан 2009 йилгача давом этган;

тўртинчи босқич – биометрик паспортлар татбиқ этилиб, ёппасига дактилоскопик қайд этиш амалга оширилган давр – 2009–2019-йиллар;

бешинчи босқич – интеграциялашган мультимиетрик маълумотлар базалари яратилаётган ҳозирги давр бўлиб, турли (дактилоскопик, генетик, портретга оид) ҳисоблар бирлаштирилгани билан ажралиб туради.

Диссертант криминалистикага оид адабиётлар, шунингдек амалдаги миллий қонун ҳужжатларини таҳлил қилиш асосида «автоматлаштирилган дактилоскопик идентификацион тизим», «дактилоскопик қайд этиш» тушунчаларига муаллифлик таърифларини ишлаб чиққан.

Тадқиқотчининг фикрича, дактилоскопик ҳисобларнинг қуйидаги таснифлари мавжуд:

Даражасига кўра: республика даражасидаги, минтақавий ва маҳаллий дактилоскопик ҳисоблар. Республика даражасидаги АДТИТ – Ўзбекистон Республикаси ИИБ эксперт-криминалистик бош марказида, минтақавий АДТИТлар – вилоятлар ИИБ ва Тошкент шаҳар ИИББ ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаларида, маҳаллий АДТИТлар эса ички ишлар органларининг қуйи бўлинмаларида жойлашган.

Ҳисобда турган шахсларнинг тоифалари бўйича: умумий ва махсус рўйхатдан ўтган шахслар ҳисоби. Шахслар биометрик ҳужжатлар олиши,

нотариал ёки банк тартиб-таомилларидан ўтишлари, тўлов пластик карталарининг жорий этилиши (пин-код, дактилоскопик сенсор ва бошқалар бундан мустасно) муносабати билан умумий дактилоскопик қайд этишдан ўтадилар.

Махсус дактилоскопик қайд этиш деганда илгари жинойй жавобгарликка тортилган шахслар, айбланувчилар, маҳкумлар, маъмурий қамоқ ёки назоратга олинган шахслар, ички ишлар органларининг реабилитация марказларига олиб борилганлар ва бошқаларни қайд этиш тушунилади.

Вазифасига кўра: тезкор маълумот берувчи ва регистрацион-излов ҳисоблар. Тезкор маълумот берувчи дактилоскопик ҳисоблар – Ўзбекистон Республикаси ИИБ Тезкор маълумотлар бош бошқармасида, регистрацион-излов хизматлари эса эксперт-криминалистик бўлинмаларда юритилади (уларнинг ташкил этилиши принципи юқорида келтирилган эди).

Ҳисобларнинг юритилиш шакли бўйича: картотекалар ва автоматлаштирилган маълумотлар базалари кўринишидаги ҳисоблар. Эксперт-криминалистик бўлинмаларда иккита шакли юритилади: из ва дактилокарталарнинг қоғоз картотекалари, шунингдек АДИТ маълумотлар базасидаги электрон картотекалари. Бундан ташқари, АДИТ маълумотлар базалари иккита алоҳида электрон картотекадан, яъни ҳисобда турган шахслар дактилокарталарининг маълумотлар базаси (дактокартотекаси) ҳамда очилмаган жинойтлар содир этилган жойлардан олинган қўл бармоқлари ва қафтлари изларининг маълумотлар базалари (из карталари)дан ташкил топади.

Диссертант тарихий таҳлил асосида АДИТнинг тадрижий ривожланиши ва кенг миқёсда қўлланишига оид қарашларини келтирган. Шу жиҳатдан, дактилоскопик тизимларнинг нафақат ички ишлар органлари фаолиятида, балки бошқа ижтимоий соҳаларда ҳам борган сари кўпроқ жорий этилаётганлиги таъкидланган.

Диссертант АДИТ маълумотлар базаларида дактилоскопик ахборот ҳажмининг кўпайиб бораётгани ҳамда улардан жинойтларни очиш ва тергов қилишда самарали фойдаланиш муҳимлиги ушбу тизимнинг самарадорлигини оширишга комплекс ёндашишни талаб этаётгани ҳақида хулосага келган.

Диссертациянинг иккинчи боби **«Жинойтларни очиш ва тергов қилишда автоматлаштирилган дактилоскопик идентификацион тизимлардан фойдаланишнинг ҳуқуқни қўллаш амалиёти»** деб номланган бўлиб, автоматлаштирилган дактилоскопик идентификацион тизимлардан фойдаланишнинг турли жиҳатларига бағишланган.

Дактилоскопик ҳисоблар бўйича жинойтларни очишга оид статистик кўрсаткичлар тизимли камчиликлар мавжудлигидан далолат бермоқда: 2013 йилда ушбу ҳисоблар бўйича аниқланган шахслар сони жинойт содир этган барча аниқланган шахсларнинг умумий сонига нисбатан 2,6%ни, 2014 йилда – 2,2%, 2015 йилда – 2,1%, 2016 йилда – 2,0%, 2017 йилда – 2,0%, 2018 йилда – 2,5%ни ташкил этган.

Бундан ташқари, шахси аниқланмаган (таниб олинмаган) мурдалар шахсини аниқлаш даражаси пасайиб бораётгани кузатилмоқда: 2013 йилда шахси аниқланмаган мурдаларнинг 12,7 %, 2014 йилда – 11,6%, 2015 йилда – 10,6%, 2016 йилда – 9,8%, 2017 йилда – 6,0%, 2018 йилда – 17,3%ни ташкил этган (2018 йилда қайд этилган жиноятларнинг умумий сони камайгани ҳисобидан ошган)¹.

Юқорида келтирилган маълумотлар АДИТлардан фойдаланиш ҳуқуқни қўллаш амалиётини батафсил таҳлил қилиш зарурлигидан далолат бермоқда.

Диссертант олимларнинг фикр ва мулоҳазаларини ўрганиш асосида АДИТлардан фойдаланишнинг ҳуқуқий, ташкилий-техникавий, илмий-методик муаммоларини ажратиб кўрсатган.

Ўтказилган анкеталаштириш натижаларини таҳлил қилиш респондентларнинг 12,5 % мавжуд ҳуқуқий база мавжудлигини етарли деб ҳисоблашини, 17,3 % «Давлат дактилоскопик қайд этиш тўғрисида» қонун қабул қилиш зарур деб ҳисоблашини, 18,6 % – Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг «Дактилоскопик қайд этиш ўтказиш ҳақида йўриқнома (низом)ни тасдиқлаш тўғрисида» буйруқ, 43,4 % – Шахсларни дактилоскопик қайд этишни тартибга солувчи қонун ва буйруқ қабул қилиш лозим деб ҳисоблашини кўрсатди. Респондентларнинг 8,2 % жавобларнинг бошқа вариантларини берган.

Муаллиф дактилоскопик маълумотлар олиш ва уларнинг муомалада бўлишига оид айрим тартиб-таомилларни белгиловчи амалдаги қонун ҳужжатларини илмий таҳлил қилган. Мамлакатимизда амалда бўлган дактилоскопик қайд этиш амалиёти асосан дактилоскопия тартиб-таомили, уни ўтказиш ва айрим тоифадаги шахсларни тегишли ҳисобга қўйиш ҳолатлари келтирилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга асосланади.

Диссертант мавжуд қонун ҳужжатлари ва олимларнинг фикрларини тадқиқ этиш, амалиётни таҳлил қилиш асосида ҳуқуқий таъминотнинг ушбу ҳолати бу турдаги давлат фаолиятини тартибга солишга қўйилаётган ҳозирги замон талабларига жавоб бермайди, деган хулосани асослаб берган. Дактилоскопик қайд этиш соҳасидаги ижтимоий муносабатларни тартибга солиш, шахс ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш, ахборотни тўплаш, сақлаш, ундан фойдаланиш тартибини белгилаш мақсадларида муаллиф «Давлат дактилоскопик қайд этиш тўғрисида»ги қонунни қабул қилиш зарур деган хулосага келади. Бундай қонун Россия Федерацияси, Беларусь Республикаси, Молдова Республикаси, Қозоғистон Республикаси, Қирғизистон Республикаси, Тожикистон Республикаси ва бошқа мамлакатларда қабул қилинган.

Муаллиф ички ишлар органлари эксперт-криминалистик бўлинмаларининг ходимлари орасида ўтказилган анкеталаштириш асосида АДИТдан фойдаланишнинг асосий муаммоларини таҳлил қилган. Булар қуйидаги муаммолардир: моддий техник базанинг ҳозирги замон талабларига

¹ Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ЭКБМ, ТМБнинг 2013–2018 йилларга оид статистик маълумотлари.

мос келмаслиги (электрон дактилоскопия имкониятлари йўқлиги, компьютерлар тезкор хотираси тезлигининг пастлиги, серверлар ҳажмининг кичиклиги, асбоб-ускуналарнинг эскирганлиги ва ҳоказо) – 46,7 %; дастурий таъминотнинг эски версиялари (дастурларни янгилаш зарурлиги, интерфейснинг ноқулайлиги ва ҳ.к.) – 16,2 %; АДТИ операторларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш даражасининг пастлиги – 3,7 %; дактилоскопик маълумотлар базасининг тўлиб кетганлиги – 11,8 %; олинган қўл излари ва тақдим этилаётган дактилокарталар сифатининг пастлиги – 15,6 %; эксперт-криминалистик бўлинмалар ва бошқа хизматлар ўртасида ҳамкорлик йўқлиги – 2,9 %; бошқа муаммолар – 3,1 %.

1997 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикасида ички ишлар органлари эксперт-криминалистик бўлинмаларининг фаолиятига «Сонда» АДТИ босқичма-босқич жорий этилди. Бироқ ушбу бўлинмаларда қўл кафтларининг излари базалари бўйича текширув ўтказилмайди. 2012 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ИИБ ЭКБМда «Папилон» АДТИни синов тариқасида жорий этиш бошланди. Ҳозирги кунда ушбу тизим Ўзбекистон Республикаси ИИБ ЭКБМда муваффақиятли ишлатилмоқда, Ўзбекистон Республикаси ИИБ Тезкор маълумотлар бошқармасида ва Тошкент шаҳар ИИБ ЭКБМда биттадан «Папилон» АДТИга масофадан туриб уланиш комплекси мавжуд.

«Папилон» АДТИда текширилаётган шахсларнинг бармоқ ва қўл кафтларининг излари, шунингдек бармоқ ва кафт юзаси излари бўйича текширув ўтказилади. Ҳозирги вақтда қўл излари базасининг тахминан 10 %ини кафт излари ташкил этади.

2018 йил апрелдан бошлаб Тошкент вилояти ички ишлар органлари эксперт-криминалистик бўлинмаларида «Сонда-8Е» АДТИ ўрнатилди ва синов тариқасида ишлатила бошланди. Ушбу тизим тақдим этилган дактилокарталар ва кафт изларидан кафтлар базасини яратиш, шунингдек улар бўйича изловни амалга оширишдек белгиланган вазифаларни тўла ҳажмда бажаради. Тошкент вилояти ИИБ эксперт-криминалистик бўлимининг статистик кўрсаткичларини таҳлил қилиш ўтказилаётган дактилоскопик тадқиқотлар 2014 йилда – 11,2 %, 2015 йилда – 16,1 %, 2017 йилда – 43,2 %, 2018 йилда 4854 % га (2017 йилда 848 та дактилоскопик тадқиқот, 2018 йилда эса 41 168 та ўтказилган) кўпайганидан далолат бермоқда. Айти вақтда таъкидлаш жоизки, ушбу дактилоскопик тадқиқотлардан 2014 йилда – 95,8 %, 2015 йилда – 96,0 %, 2016 йилда – 98,8 %, 2017 йилда – 99,3 %, 2018 йилда – 99,9 % жиноятларнинг очилишига ёрдам берган. Юқорида келтирилган маълумотлар «Сонда-8Е» АДТИнинг ниҳоятда самарадорлигидан, шунингдек қўл кафтларининг излари бўйича текширишни барча эксперт-криминалистик бўлинмаларга жорий этиш зарурлигидан далолат бермоқда.

Диссертант барча эксперт-криминалистик бўлинмаларда АДТИнинг охириги версияларини, ишлаб чиқарувчиси ва эксперт-криминалистик бўлинманинг даражасидан қатъи назар, мунтазам равишда янгилаб бориш

ҳамда ишлаб чиқарувчи фирма томонидан доимий сервис техник хизмат кўрсатиш ва дастурларини янгилаб бориш зарурлигини асослаб берган.

Тадқиқот муаллифи АДИТнинг тузилиши ва қурилиш иерархияси ҳозирги пайтда ўзгартиришга муҳтож эканлигини таъкидлайди, чунки дактилоскопик ҳисоблар бўйича текширганда кўпинча кечикиш юз бермоқда, муайян миқдордаги дактилокарталар сифати ёмонлиги сабабли маълумотлар базасига қўшилмаётгани, қўйилган вазифалар такрорланаётгани кузатилмоқда ва ҳоказо. Бу эса АДИТлардан фойдаланиш самарадорлигини анча пасайтирмоқда.

Диссертантнинг таклифи асосида Ўзбекистон Республикаси ИИВ Тезкор маълумотлар бошқармасида «Папилон» АДИТга масофадан туриб қўшилиш комплекси ўрнатилди. Ушбу комплекс сервери ИИВ ЭКБМда жойлашган. «Папилон» АДИТга масофадан уланиш комплекси жорий этилганидан бошлаб Тезкор маълумотлар бошқармасига тақдим этилаётган барча дактилокарталар ИИВ ЭКБМнинг «Папилон» АДИТ маълумотлар базасига текшириш учун киритилмоқда. 2019 йил октябрь ойига келиб ИИВ Тезкор-маълумотлар бошқармаси томонидан Ўзбекистон Республикаси ИИВ ЭКБМнинг «Папилон» АДИТ маълумотлар базасига мавжуд 10 млн дан ортиқ фақат картотека кўринишида сақланаётган дактилокарталарнинг 10 мингдан зиёди киритилди.

Диссертант Тезкор маълумотлар бошқармасида ва унинг қуйи бўлинмаларидаги бўлимларда қўшимча АДИТ комплекслар ўрнатиш, шунингдек ушбу бўлинмалардаги махсус тайёрланган ходимлар штатларини кўпайтириш орқали ИИВ Тезкор маълумотлар бошқармаси дактилокарталарнинг ҳаммасини «Папилон» АДИТ маълумотлар базасига бирданига киритиш зарурлигини асослантирган.

Амалиёт таҳлилининг кўрсатишича, эксперт-криминалистик бўлинмалар экспертларининг 39,1 % – ҳозирги вақтда АДИТни моддий-техник таъминлаш замон талабларига жавоб бермаслигини, 23,3 % – талабга жавоб беришини, 37,6 % эса бу борада аниқ жавоб беришга қийналишини билдирган.

Диссертантнинг фикрича, воқеа жойидан олинган қўл изларини дактилоскопик ҳисоблар бўйича тезкор текшириш усуллари IT-технологияларининг бугунги имкониятларига мос келмайди. Муаллиф бевосита ҳодиса жойларида ва жамоат тартибини сақлаш вақтида дактилоскопик ҳисоблардан симсиз алоқа тизимлари бўйича тезкор текшириш имкониятини таъминлай оладиган АДИТ мобиль комплексларидан фойдаланиш зарурлигини асослантиради. Тезкор текширувлар кечикишининг асосий сабаби аппарат-дастурий комплекс даражасининг ҳозирги замон талабларига жавоб бермаслиги ҳамда АДИТнинг тегишли ускунасига молиявий харажатлар қилиш зарурлигидир.

Муаллиф тегишли адабиётларни таҳлил қилиш асосида дактилоскопик идентификацияни процессуал ва нопроцессуал шаклларга ажратади. Диссертант процессуал идентификация – папилляр нақшларни Жиноят-процессуал кодекс ҳамда суд-эксперт фаолияти соҳасига оид бошқа қонун

ҳужжатлари нормаларига мувофиқ ўтказиладиган дактилоскопик экспертиза доирасида қиёслашдир, деган хулосага келади. Нопроцессуал идентификация эса мутахассис тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш вақтида, шунингдек унинг ўтказилишига кўмаклашиш ҳамда папилляр чизиқлар излари ёки тақдим этилган дактилокарталарни дактилоскопик ҳисоблар бўйича текшириш жараёнида ўтказадиган дактилоскопик тадқиқотдир.

Диссертант тадқиқотда АДИТ базалари бўйича тезкор текширув натижалари дастлабки тадқиқот (текширув) эканлигини, улар тезкор-қидирув ахбороти (маълумотлари) манбаларига киришини асослантирган.

Бундан ташқари, экспертларнинг устма-уст тушувчи ва суртилган изларни экспертизадан ўтказиш амалиётини таҳлил қилиш асосида экспертларнинг 61,2 % қоплама излардан далилий маълумот олишга ҳаракат қилганликларини, 38,8 % эса бунга уринмаганликларини аниқлаган. Ҳозирги пайтда айрим АДИТларда ҳар бир изни алоҳида ажратиш, текшириш ва у бўйича қиёсий тадқиқот ўтказиш имконини берувчи қоплама изларни ажратиш функциялари ишлаб чиқилган. АДИТни ривожлантириш бизга, гарчи ҳар доим бўлмаса ҳам, муайян ишланмалар ўтказилганидан сўнг ҳатто ёмон излардан маълумотлар базалари бўйича текшириш учун фойдаланиш имконини беради.

Диссертант тадқиқотда дактилоскопик рўйхатга олинган шахсларнинг шахсий маълумотлари максимал даражада ҳимоя қилинишини таъминлаш зарурлигини далиллар билан асослантиради. Муаллиф асосан техник ва ташкилий жиҳатлардан иборат ушбу масаланинг комплекс табиатини ёритиб берган.

Диссертациянинг учинчи боби **«Жиноятларни очиш ва тергов қилишда автоматлаштирилган дактилоскопик идентификацион тизимлардан фойдаланишни такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари»** деб номланган бўлиб, унда АДИТлардан фойдаланишнинг илғор хорижий тажрибаси таҳлил қилинган, АДИТлардан фойдаланишни такомиллаштириш бўйича ҳуқуқий ва ташкилий-техникавий чоралар мажмуи тақлиф этилган.

Диссертант хорижий мамлакатларда, жумладан АҚШ, Аргентина, бир қатор Европа мамлакатларида, Австралия, Хитой, Жанубий Корея, Малайзия, Япония, Ҳиндистон, Россия Федерацияси, Беларусь Республикаси, Қозоғистон Республикасида АДИТдан фойдаланиш амалиётини тадқиқ этган ҳамда илғор тажрибани мамлакатимиз амалиётига жорий этиш йўлларини тақлиф этган.

Муаллиф, шунингдек, ўз фаолиятида дактилоскопик маълумотларни тўплаш, алмашиш, уларга ишлов беришдан фойдаланадиган Интерпол, Евродак дактилоскопик тизими ва бошқа ташкилотларнинг фаолиятини кўриб чиққан. Диссертантнинг фикрича, хорижий тажриба таҳлили Ўзбекистон Республикасида АДИТлардан фойдаланиш амалиётида уларнинг ижобий томонларини жорий этиш зарурлигидан далолат бермоқда. Булар:

шахсларни ҳисобларнинг бир тури бўйича текшириш жараёнида бошқа турдаги ҳисоблар бўйича ҳам автоматик текшириш имконини яратиш учун бир неча турдаги ҳисобларни интеграциялаш;

аҳолини максимал даражада қамраб олиш;
хизмат транспортига ўрнатилган стационар комплекслар ҳамда мобиль қўлда олиб юриладиган (мобиль) қурилмалар ёрдамида текшириш мумкинлиги;

чегара назорати жараёнида кидирувдаги шахсларни, қалбаки паспортдан фойдаланиш ҳолатларини аниқлаш ва ҳоказо.

Россия Федерацияси, Тожикистон, Молдова, Қозоғистон, Қирғизистон Республикалари ва бошқа давлатларнинг дактилоскопик қайд этишга бағишланган қонунларини қиёсий таҳлил қилиш асосида муаллиф ўзи ишлаб чиққан «Давлат дактилоскопик қайд этиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини қабул қилишни таклиф этади. Ушбу қонун лойиҳасида дактилоскопик қайд этишнинг асосий тушунчалари, мақсад ва вазифалари, турлари (умумий ва махсус), шунингдек дактилоскопик қайд этилиши лозим бўлган шахслар, дактилоскопик маълумотларни тўплаш, сақлаш, актуаллаштириш, қўллаш ва йўқ қилиш тартиби белгиланган.

Диссертант Ўзбекистон Республикасида дактилоскопик қайд этишни ихтиёрий ва мажбурий турларга ажратиш долзарб эмаслигини, шунингдек ID-карталардан фойдаланишни ташкил қилиш, уларни бериш ва қўллашни тартибга соладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда дактилоскопик ахборотни ID-карталарнинг электрон чипларига киритишга оид қонун асослари асослари зарурлигини асослантирган.

Муаллиф тирик инсон (мурда)нинг хусусиятларини асослантирувчи экспертиза тадқиқоти учун намуналарни тирик шахс (мурда) амалда мавжуд бўлмаганида ушбу факт бўйича суд-экспертизаси тайинлаш ва ўтказишда улар мавжуд бўлиши мумкин бўлган тегишли криминалистик ҳисоблар ёрдамида олишнинг процессуал тартибини жорий этиш зарурлигини асослантирган. Мазкур криминалистик ҳисобларда тирик шахс (мурда)нинг ташқи кўриниши жиҳатлари, қўл бармоқлари ва қафтларининг излари, овоз намуналари, биологик намуналарнинг генотипик таҳлили қабили бўлиши мумкин. Юқорида баён этилганлар асосида муаллиф Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 188 ва 193-моддаларига ўзгартишлар киритишни таклиф қилади.

Диссертант дактилоскопик қайд этишни амалга ошириш тўғрисида йўриқнома (низом) қабул қилиш зарурлигини далиллар билан асослаган, тегишли лойиҳани тайёрлаган ҳамда диссертацияга илова қилган. Ишлаб чиқилган йўриқномада дактилоскопик қайд этишни амалга ошириш ваколатига эга давлат органларининг дактилоскопик маълумотларни тўплаш, ишлаш ва ҳимоя қилиш, танлаш, шунингдек инсон шахсини аниқлаш ёки тасдиқлаш бўйича фаолиятини ташкил қилиш ҳамда амалга ошириш тартиби белгиланган.

Диссертация учун материаллар тўплаш жараёнида ўтказилган анкета сўровида респондентлар АДИТдан фойдаланишнинг асосий муаммоларидан бири сифатида АДИТ маълумотлар базасининг шахсни аниқлаш учун яроқсиз бўлган ҳамда компьютер хотирасида кўп жой эгаллаб, тизим ишини секинлаштираётган из ва дактилокарталар билан тўлиб кетганлигини қайд

этганлар. Экспертларнинг 25,9 % барча из ва дактилокарталарни базага сифати бўйича ажратмаган ҳолда киритадилар.

Шу сабабли диссертант сифати ёмон дактилокарта ва изларни чиқариб ташлаш ҳамда АДИТ дактилоскопик базасини вақти-вақти билан «тозалаш»ни, яъни сифати ёмон бўлган «дубликат» дактилокарталарни (агар мавжуд бўлса) олиб ташлаш, шунингдек судга юборилган жиноят ишлари бўйича қўл изларини маълумотлар базаларидан чиқариб ташлаш учун бир йилда тўрт марта (ҳар чоракда) Тезкор маълумотлар бўлимлари билан бирга солиштириш ишларини бажариш.

Ички ишлар органлари эксперт-криминалистик бўлинмаларининг ходимлари орасида ўтказилган анкета сўрови натижаларидан маълум бўлишича, бугунги кунда ходимларнинг 11,7 % дактилоскопик ҳисоблар билан ишлаш кўникмаларига эга эмас, 9,1 %да эса дактилоскопик экспертизаларни мустақил равишда ўтказиш учун рухсатнома йўқ. Бунда Ўзбекистон Республикаси ИИВ ЭКБМ статистик маълумотлари шундан далолат бермоқдаки, эксперт-криминалистик бўлинмаларнинг эксперт стажи (иш тажрибаси) 2 йилгача бўлган ходимлари – 23,6 %ни, 2 йилдан 5 йилгача стажлилар – 17,5 %ни, 5 йилдан ортиқ стажга эга бўлганлар – 23,6 %ни, 10 йилдан ортиқ стажга эга бўлганлар – 19,2 %, 15 йилдан кўп иш тажрибасига эга бўлганлари эса 16,1 %ни ташкил қилади.

